# БОШ СОВРИНГА САЗОВОР БЎЛДИ

**Сўнгги йилларда ўзбек киноижодкорлари яратган асарлар кўплаб санъат ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Москвада бўлиб ўтган учинчи Евросиё телефорумида юртимиз киноижодкорлари ҳам қатнашиб, ўзларининг турли мавзудаги 15 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмларини намойиш этдилар.**

**Жумладан, «Ўзбеккинохроника» ижодкорлари томонидан яратилган «И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» туркумидаги фильмларнинг «Миллий хавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари» деб номланган тўртинчи қисми киноанжуманнинг ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги фильмлар номинацияси бўйича бош совринга сазовор бўлди.**

**Владимир Исҳоқов муаллифлигида яратилган ушбу фильм мавзусининг долзарблиги билан Россиядаги таниқли олимлар, ҳарбий қўмондонлар, мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Фильмда давлатимиз раҳбарини мақташ, уни кўкларга кўтариш эмас, балки мустақил давлатимизнинг давлат бўлиб шаклланиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, барча соҳаларда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш йўлида Президент олиб бораётган саъй-ҳаракатлар, XX аср охирида барчани ташвишлантираётган терроризм таҳдиди ҳақида фикр юритилади.**

**Бундан ташқари Ўзтелерадиокомпания қошидаги «Ўзбектелефильм» студиясининг «Ўзбекистон олтини», «Жавоҳир шаҳарлар» сингари фильмлари ҳам телефорумнинг махсус совринлари билан тақдирланди. Яқинда Кинochилар уйида ушбу кинофорум натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Унда сўнгги йилларда ушбу студия томонидан яратилаётган фильмларда мамлакатимизда рўй бераётган янгиликлар, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини моҳирона акс эттираётганлиги таъкидлаб ўтилди.**

■ **Умида МАНСУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МИЛЛАТ ФАХРИ

# КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тарихдан маълумки, жамият ва давлатни бошқариш, уни такомиллаштиришда кадрлар, уларнинг салоҳият-иқтидори катта роль ўйнаган. Мамлакат тараққиёти, унинг тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласи муҳимдир.

**«Ёш, билимли, иқтидорли, ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган кадрларни топиш, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш»** лозимлигини Президентимиз Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида алоҳида уқтирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бундан уч йил олдин «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тузиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бу қарорнинг асосий мақсад ва вазифаларига кўра ҳуқуқий демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган Миллий дастур тузилди.

Миллий кадрлар тайёрлаш дастури асосан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш негизида янги ўқув тузилмаларини вужудга келтиришдан иборат эди. Миллий дастурдаги **«ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш»** каби кўрсатмасига биноан таълим тизими ва айни бир пайтда маънавий-маърифий муассасалар, нодавлат жамоат ташкилотларида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, маънавий мерос ва миллий қадриятларимизни ўрганиш ҳамда мақсадли йўналтиришга алоҳида эътибор берилди.

Кадрлар ҳар қандай мамлакатда ҳал қилувчи кучга эга бўлган. Шу боис ҳам унинг асоси билим ва уни эгаллашда ётади. Унинг мактаб, олий ўқув юрти ва жамоат жойларида амалга оширилишини назарда тутсак, таълим-тарбия — кенг, ҳар дақиқада зарурат, талаб ва эҳтиёжий ҳолат бўлиб, яшаш тарзимиз омили ва воситасидир.

Кейинги уч йил ичида умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари сонининг ўсиш жараёни кузатилди. Бироқ таълим-тарбияда сонга қараб кадрлар салоҳиятини белгилаб бўлмайди.

Гапнинг очиғини айтиш керак, Президент кўрсатмаси, ҳукумат топшириғи бу йўналишда тўлиқ бажариляпти деб бўлмайди. Халқ таълими вазирлиги, «Камолот», «Умид», «Истеъдод», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда ёшлар таълим-тарбиясига дахлдор мутасадди идоралар ўқувчи-ёшларнинг тўққизинчи синфни битиргандан кейин ўқишни давом эттириши билан жиддий қизиқишадими ёки ора-чора бирорта тадбир ўтказиш билан чекланиб қолишмоқдами? Фақат тадбир ўтказиш билан таълим-тарбияни ўнглаб бўлмайди.

Маълумки, 9-синфни битирган ўқувчилар ҳали балоғат ёшига етмаган ҳисобланадилар. Ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштиришга имконият бўлмайди. Касб-ҳунар кўникмаларини эгаллаб улгурмаганликлари туфайли меҳнат бозоридаги рақобатларга бардош бера олмайдилар. Булар эса ижтимоий танглик ва кескинликни келтириб чиқаради. Ўсмирлар амалда етарли касб-ҳунар малакасига эга бўлмаганликларидан ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда ва «бекорчилар гуруҳи»ни тўлдиряпти...

Дастур қабул қилингунга қадар 9-синфни битириш таянч ўқув ҳисобланар эди. Эндиликда уни битириш мажбурий ва уч йиллик ихтисослик таълими, яъни 12 йиллик умумтаълим бугунги кун талаби, мақсадга мувофиқдир. Бундан учта йўналиш келиб чиқади.

— Тўққиз йиллик мажбурий таълим — бу ўсмирнинг 15-16 ёшга тўлиши, айни балоғат бўсағаси, яъни ўқишни давом эттиришга ўзини тайёрлаш пайти;

— Ўз-ўзидан маълумки, яна уч йиллик ўқиш — ўсмирнинг бирор ихтисосликни эгаллаши учун айни балоғат ёши, етилиши ва ўзини меҳнатга, ўқишга олий ёки махсус таълимга чоғлашдир;

— Ўн саккиз ёш ўсмирнинг тўлишган, хийла ўзини тутиб олган пайти. Унда мустақиллик, уддабуронлик, бирор ишга киришишга дадиллик, ҳал қилувчилик кайфиятлари шаклланади.

Юртимизда миллий кадрлар тайёрлаш сиёсатининг юқори поғонаси — олий ўқув юртларида ўқишга, таълим олишга алоҳида диққат-эътибор беради. **«Олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак»**. Шу ўринда университет дипломи даражаси ва обрўсини ошириш, уни жаҳон мезонларига кўтариш зарур. Тўғри, Тошкент, Самарқанд университетлари фан тармоқларининг баъзи йўналишлари — математик таҳлил, физикавий лазер, тил муаммолари, геобиология ва бошқаларда Кембриж, Оксфорд, Сорбон, Токио университетларидан қолишмайди. Бироқ очиғини айтиш керак, кўпгина олий ўқув юртларимизда профессор-ўқитувчилар, моддий база, замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш, таълимнинг жаҳон талаблари даражасидаги шаклларини кенгайтиришда ташаббускорлик етишмаётгани сезилиб қолмоқда.

Таълим-тарбия ягона йўналиш — бешикдан бошланиб, сўнгги дамгача давом этадиган жараён. Назаримда Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари қошида умум Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилиши зарурати аллақачон етилган кўринади.

Билим олишнинг илк манбаи — фан. Буни ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси, йўл-йўриғи деб тушунмоқ керак. **«Фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир»**, таъкидлайди Юртбошимиз. Худди шундай қилиняптими? Бизнингча, миллий дастурнинг ўқтомири — бу фан тараққиёти ва унга ёшларни жалб қилиш билан белгиланади. Афсуски, бу борада тегишли вазирликлар, Фанлар академияси сусткашликка йўл қўймоқда. Йилда бир марта Президент соврини билан тақдирланган аспирант ва талабаларни эслаймиз, холос?!

«Камолот» жамғармаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари республика Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Ёшлар ва фан» уюшмасими, клубими, ассоциациясими тузсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозиргача йирик, атоқли олимлар мактаби йўналиши ёшлар ўртасида ташвиқот қилинмаётганлиги ачинарли. Ваҳоланки, фан йўналишларини эгаллаётган ёшлар ўнлаб, юзлаб, минглаб топилади. Биргина Яҳё Ғуломов мактаби ҳақида гапирилади, холос. Бу ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилди. Маъданшуносликдан Ҳабиб Абдуллаев, математикадан Саъди Сирожиддинов, фалсафадан Иброҳим Мўминов мактабларини ташкил қилиш лозим.

Таълим-тарбия ва унинг тамойилларини ҳаётга татбиқ қилиш педагог-мураббийлар қўлида. Шу боис ҳам **«педагоглик касбига ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш»** миллий дастуримиз бўлиб, салоҳиятли, истиқболли буюк келажагимизни белгилаб берувчи ва амалга оширувчи кадрларни тайёрлаб, парвариш қиладиган педагог-мураббийларга алоҳида эътибор бериш керак. Устоз кўрмаган шогирд минг хил куйга йўрғалар, дейди халқимиз.

■ **Карим НОРМАТОВ, тарих фанлари доктори, профессор**

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Олтинкўл туман кенгаши, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан, тумандаги 49-мактабда, «Биз XXI аср ёшларимиз» мавзуида, тантанали кеча ташкил қилди. Шу мавзудаги тадбир Марҳамат туман кенгаши томонидан ҳам ўтказилди.

* * *

Шаҳрихон тумани газлаштириш ва нефть маҳсулотлари базасида, ХДП бошланғич ташкилоти ташаббуси билан, «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида, йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Сирғали тумани «Тайёрагоҳ» ХДП бошланғич ташкилоти ва республика «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими, биргаликда, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан, байрам тадбирини ўтказдилар.

Худди шундай тадбир ХДП Чилонзор туман кенгаши томонидан 162- ва 217-мактабларда ҳам ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши, тумандаги «Пахтакор» маҳалласида, «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида, тадбир ўтказди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Поп туман кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими, ҳамкорликда, Уйғурсой шаҳарчасидаги 2-«Кичкинтой» болалар боғчасида, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзуида, адабий-бадиий кеча ўтказдилар. Кеча якунида фаол иштирокчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Наманган вилоят ёзувчилар уюшмаси, ХДП ташкилотлари билан биргаликда, «Ёзувчилар пахта далаларида» шиори остида, пахтакорлар ҳузурида учрашувлар ўтказмоқда. Яқинда шундай учрашувлардан бири «Найман» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Чуст педагогика билим юрти талабалари билан янада гавжумлашган дала шийпонида таниқли шоирлар Эрмамат Нурматов, Зиёвуддин Мансуровлар ўзларининг, Ватан ва муҳаббатни мадҳ этувчи, шеър ва ғазалларидан ўқиб, йиғилганларни мамнун этдилар. Туман маданият уйи қошидаги «Ниҳол» ашула ва рақс ансамбли ҳаваскорларининг чиқишлари кечага файз бағишлади.

* * *

Уйчи туманидаги 36-ўрта мактабда, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан, тантанали кеча бўлиб ўтди. Иштирокчиларда катта таассурот қолдирган ушбу тадбир ХДП сафларига қабул қилинган 6 нафар ўқитувчиларга партия билетларини топшириш билан якунланди.

* * *

ХДП Сўх тумани БПТ котиблари иштирокида бўлиб ўтган, «Сен ҳақингда куйлайман, ўқитувчим» номли, тадбир ҳам Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ташкил қилинди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати**



# ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР



***Дунёдаги жамики эзгуликларнинг манбаи — ўқитувчилар ва мураббийлардир. Ватан равнақи, жамиятнинг ёруғ келажаги, аввало муҳтарам устозларнинг машаққатли меҳнатига боғлиқ. Юртимиз бўйлаб Ўқитувчи ва мураббийлар куни тантаналари давом этмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетида бўлиб ўтган тадбир ҳам шу байрамга бағишланди. Ўқитувчи ва талабалар бу сафар бир дастурхон атрофида жамулжам бўлдилар. Факультет декани Миршоҳид Мирҳамидов мураббийларни байрам билан табриклар экан, давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги-янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун барча имкониятларни яратаётганлиги ҳақида гапирди. Ушбу даргоҳга «Миллий университет» мақоми берилгач, ҳуқуқшунослик факультети олиб бораётган ишлар кўлами ҳам кенгайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳотлар олиб борилмоқда.***

***Тантанада 2000 йил талабалик сафига қабул қилинган бўлғуси ҳуқуқшуносларга талабалик гувоҳномаси топширилди.***

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

■ **Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

# НЕЙРОХИРУРГЛАР АНЖУМАНИ

Кеча Тошкентда республика нейрохирургларининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Нейрохирургия фани тиббиётнинг бошқа соҳаларига қараганда республикамизда нисбатан ёш ҳисобланади. Илмий жамоатчиликка яхши маълумки, нейрохирургия кафедраси ҳам илк бор 1970 йилда ташкил этилган эди. Анжуманга йиғилганлар кафедранинг 30 йиллигини ҳамда кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марат Қориевнинг 70 йиллик юбилейларини ҳам нишонлашди.

Нейрохирургиянинг долзарб муаммоларига бағишланган ушбу анжуманга Ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам кўплаб олимлар ташриф буюришган. Илмий мактаблар, илмий текшириш институтлари ҳамма вақт алоқада бўлиб келишган. Жаҳон биздан ўрганади. Биз дунёдан. Ўз ақл-заковатимизни жаҳоний тамойиллар билан тенглаштириб олиб бормоғимиз учун ҳам мана шундай илмий йиғинларга эҳтиёж сезилаверади.

— Нейрохирургия соҳаси бўйича катта ютуқларга эришдик. Бугун бу ерда ўн киши фан доктори. Бундан ташқари беморларга 35 фан номзоди малакали хизмат кўрсатади. Илмий алоқалар мақтовга лойиқ. Анжуманга Н.Бурденко номидаги нейрохирургия институти директори, академик А.Коновалов (Москва), Ф.Олешкевич (Минск), Г.Антонов



(Санкт-Петербург), С.Акшулаков (Алмати), А.Кравчук (Москва), М.Мамитов (Бишкек), Л.Лихтерман (Москва) каби жаҳон миқёсидаги олимлар ташриф буюришган. Конференция материаллари алоҳида китоб ҳолида нашр этилди, — дейди профессор Марат Қориев.

— Бугун ўтказилаётган ушбу анжуманнинг ёш олимлар — тадқиқотчилар учун аҳамияти катта. Жаҳонга машҳур олимларнинг ташрифи, нейрохирургия соҳасининг долзарб муаммолари ҳақидаги маърузалари барчамиз учун бебаҳо маънавий бойликдир, — деб, анжуман ҳақидаги ўйларимизга хулоса ясади нейрохирургия илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича муовини Сайфулло Набиев.

Шундай анжуманларнинг ўтказилиши эса маънавий ҳаётимиздаги жуда катта воқеадир.

■ **Фаррух ҲАМИДУЛЛО ўғли**

**Дилшод ЮСУПОВ (УзА) олган сурат**

# ЗАНГОРИ ОЛОВ ҲАР БИР ХОНАДОНГА

**Самарқанд вилоят газлаштириш идорасига қарашли 2-сон механизациялашган кўчма қурилиш корхонаси жамоаси режадаги 30 километр ўрнига 52 километрга юқори ва ўрта босимли газ қувурлари тортиб, режани 173 фоизга адо этдилар. Бу муваффақиятда корхонанинг иш бошқарувчиларидан Исмат Йўлдошев, Абдуназар Алимов, Маҳмуд Носировларнинг хизматлари беқиёс бўлди.**

**— Халқимизнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида ҳаракат қиляпмиз. Газ етиб бормаган ҳудудларда қурилиш ишлари давом эттириляпти, — дейди корхона раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби Муртазо Кенжаев.**

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

ҚОРА ҚИЛМИШ

# ЎҒРИ АЁЛ

## 22 ЁШЛИ АЁЛНИНГ ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА ҚАНДАЙ КИРИБ ҚОЛГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Ўлмасойнинг турмуши бузилди-ю, ҳаёти чил-чил сингандек бўлди. 22 ёшида уч яшар қизчасини олиб, туғилиб ўсган юрти Жиззахга қайтди.

«Чиққан қиз чиғирикдан ташқарида» деганларидек, у ҳам ўз уйида бегонага айланди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ бўлди. Айниқса, етимчанинг шўхликларини янгалари кўтариша олмади. Бўлар-бўлмасга ўртада жанжал кўтарилаверди.

Тинимсиз жанжаллар Ўлмасойни уйдан чиқиб кетишга, аниқроғи, ҳайдалишга мажбур қилди. Унинг ўксиган қалби дунёнинг ғам-ғуссаларини ечишда ожиз ва чорасиз қолди. Энг ачинарлиси, ҳаётда унга тўғри йўл кўрсатадиган, маслаҳат берадиган маҳалла оқсоқоллари ва одамохун кишиларнинг йўқлиги эди.

Ўлмасой «ҳайт-ҳуйт» дея Самарқанд вилояти Булунғур туманида яшовчи узоқ қариндошиникига нажот излаб келди. Қариндоши она-болани илиқ ва самимий кутиб олди. Бошпана берди. Кунлар кетидан ойлар ўтди. Ёш жувон аввал савдогарчилик қилиб кўрди. Аммо фойдадан кўра зиён кўп бўлди. Қўли ёлчиб пул кўрмади. «Савдогарчиликни йиғиштираман» — шу бўлди унинг хулосаси.

Яна эски ҳаммом, эски тос. Одамлардек кийина олмайди. Қизчасининг егани қуруқ нону чой бўлди. Бундай яшаб бўлмайди, ахир. Хўш, нима қилиш керак? У ўйлай-ўйлай охири бир тўхтамга келди. Аммо бу ўй нафақат ўзи учун, балки боласининг келажаги учун ҳам қора тамға бўлди...

Шу йил апрель ойида Булунғур тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига А.Навоий номли жамоа хўжалигининг Бешбола ва Оламон қишлоқларида яшовчи фуқароларнинг уйларидан тунги пайтларда уй-рўзғор буюмлари ўғирланаётганлиги ҳақида хабарлар кела бошлади. Туман ИИБ ходимлари тезкор гуруҳ тузиб, ўғрининг изига тушишди. Ўғри тушган беш хонадоннинг барчасидан Бельгияда ишлаб чиқарилган нафис гиламлар йўқолган эди.

Ниҳоят, ўғри қўлга олинди. Минг бора афсуслар бўлсинки, жиноятга қўл урган киши — Ўлмасой бўлиб чиқди. Унинг ижарада яшаб турган уйида 2х3 ҳажмдаги 5 дона гилам, 5 дона гиламчалар, чинни идишлар, болалар ва аёллар кийими, 1 дона олтин узук ва пул яширилганди. Ўғри аёл бир нечта гиламларни сотиб, пуллашга ҳам улгурган экан.

Ёш, бева аёлнинг билиб-билмай босган қадами жиноят ва иснод билан якун топди. Ҳаёт унга она бўлишдек улуғ бахтни ато этганди, аммо у ўз йўлидан адашиб, темир панжара ортига йўл олди.

Лекин, айтинг-чи, ўғирликда фақатгина Ўлмасойнинг қўли борми?! Уни жиноят қилишга олиб келган сабабни теварак-атроф, оқибатсиз маҳалла-ю ноаҳил акалар, жоҳил янгалар бермадими?! «Маҳалла — ота-онанг» дейишади. Нега Ўлмасойга маҳалла оталик қилмади, оналик қилмади?! Акалари-чи? Акалик қилсалар бўлмасмиди?!

■ **Меҳрихон АБДУРАҲИМОВА, Самарқанд вилояти ИИБ ходими, Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# «ТАДБИРКОР ОИЛА»ГА ХАЛҚАРО ГРАНТ

Бухоро вилояти «Тадбиркор оила» ассоциацияси АҚШнинг «Каунтерпарт концорциум» ташкилоти грантига сазовор бўлди. Бу бежиз эмас. Халқаро ташкилот вакиллари Бухорода бир неча марта бўлиб 15-маҳалладаги ишсизликни бартараф этиш муаммосини ҳал этишга аҳдлашдилар. Шунга асосан ассоциациянинг «Зебо» кичик корхонасига 8 та замонавий тикув машинасини сотиб олиш учун халқаро ташкилот минг долларга яқин грант ажратди. Бу билан 20 ишчи ўрни юзага келади.

■ **Даврон БАХРОНОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМИ – ЯПОНИЯ МАКТАБИДА

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳамкорликнинг қатор йўналишларида изчил ривожланмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ўртасида маориф соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Япониянинг Нагано шаҳридаги «Ватаучи» номли мактабда ўтказилган спорт байрамининг тантанали очилиш маросими Ўзбекистон байроғининг кўтарилиши ва мамлакатимиз мадҳияси билан бошланди.

Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси А. Шайхов ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган сиёсат ҳамда 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлиги тўғрисида қисқача сўзлаб берди.

Бунга жавобан сўз олган «Ватаучи» мактабининг директори С. Кадао йиғилганларга мазкур мактабнинг Тошкентдаги 295-мактаб билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш нияти борлиги ҳақида маълумот берди.

Орадан бир кун ўтгач, «Нагано шимбун» номли япон газетасида чоп этилган мақолада шундай дейилади: «Ватаучи» номли мактабда бўлиб ўтган спорт байрами Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг келажакда янада кенгайишини яққол намоён этди».

■ «Жаҳон» АА

**ОЛИМПИАДА НАФАСИ**

# ҲАЙРАТ

Ўзбегим юртида миллий қаҳрамон туғилди. Болакайлар, отахону онахонлар тилида Муҳаммадқодир. Жаҳон айвонида Ўзбекистон номини овоза қилиш қаҳрамонлик эмасми?! Миллионлаб қора кўзлар қалбида фахр-ифтихор, ғурур. У юзимизни ёруғ, дилларни равшан қилди. Халқимизда миллий ғурур жунбушга келди, ўзлигини яна бир бор англаб, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур авлоди эканидан бошини янада кўтарди, бой маънавиятимизни ҳис этди. Унинг иймон-эътиқоди кучли эканлигини билардик. Оллоҳ дилида, қўли ишда бўлгани учун ҳам уни Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Яссавий каби боболари руҳи қўллаган бўлса, не ажаб.

Олимпиада қаҳрамонларини кутиб олиш чоғида ана шундай оқлик, ҳайрат чулғади. Совриндорларнинг дил сўзларида ҳам шу ҳис.

**Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ — олимпиада чемпиони:**



*— Рози-ризолик, падару модарим дуоси, ватанпарварлик туйғуси менга куч бағишлади. Айниқса, якунловчи баҳсда руҳий ва жисмоний қувватларим шундай жунбушга келдики, ўзимни фақат ҳужумга бағишладим. Назаримда, ғолиб сифатида қўлимнинг кўтарилиши, байроғимиз билан чарх уришим халқимиз, миллионлар ишончини оқлаганимдан нишона. Юртбошимизнинг оталарча табрикларидан бошим осмонга етди.*

**Артур ТАЙМАЗОВ — кумуш медаль соҳиби:**



*— Ўзи шунақа бўлади. Ҳали айтишади-ку ҳаммаси майдонда аён бўлар деб. Финалгача етиб боришга кўзим етмаганди. Зеро, қандайдир руҳни қалбан сезардим. Сўнгги учрашувда омадим чопса, яна битта олтин қўлга кирарди. Лекин, кумуш бўлажак ғалабаларимга йўл очади, деган умиддаман.*

**Рустам САИДОВ — бронза медали совриндори:**



*— Айтишларига қараганда, Ўзбекистон вакиллари орасида энг ёши экanman. Барча жангларни кўтаринки руҳда ўтказишга интилдим. Фақат ярим финалга чиқишда югослав ҳаками андак «ғирром»ликка йўл қўйиб, кўпчиликни қийин аҳволда қолдирди. Сўзсиз унинг хатоси муносиб жазоланди. Лекин натижаларни ўнглаб қўйишнинг эпи бўлмади. Бўлмаса кумуш медаль нақд эди.*

**Сергей МИХАЙЛОВ — бронза медаль эгаси:**



*— Ўйлайманки, Андижон бокс мактабининг ҳосиласи менда ҳам кўринди. Муҳаммадқодир, Ўткир, Руслан каби моҳир чарм қўлқоп усталари қаторида эканим билан фахрланаман. Олимпиаданинг бронзаси мен учун кифоя эмас. Келажакда албатта ғолибликни кўзлашга ҳаракат қиламан.*

Мустақил Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор борлиги яна бир бор намоён бўлди. Муҳими — ўсиш бор. Юртимизда барқарорлик собит экан, келажаги буюк давлат авлодлари камол топаверади.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

**ИНСОН ХОТИРАСИ—АЗИЗ**



МАШҲУР ҲОФИЗ ОТАЖОН ХУДОЙШУКУРОВНИ ЭСЛАБ

# «КУЙЛАРМАН МАДҲИНГНИ ТАКРОР ВА ТАКРОР...»

Дам олиш куни эди. Бўш вақтимни қандай ўтказсам экан, дея ўйланиб турганимда олисдан ёқимли бир қўшиқ эшитилиб қолди. Диққат билан қулоқ солдим. Қўшиқ қўшни хонадонда тараладиган, она-юрт мадҳини авж пардаларда куйлаётган хонанда эса машҳур ҳофиз Отажон Худойшукуров экан. Қўшиқ сеҳрлаб қўйдими ёки ундаги туғилиб ўсган она-юрт соғинчи кўнглимга эш бўлдими, ҳарқалай, ўша ашулани яна қайта эшитгим келди.

Отажон Худойшукуровнинг оҳанграбо тасмасидаги дилрабо қўшиқларини тингларканман, улардаги авж, бир сеҳр, жўшқинлик бутун вужудимни чулғаб олди. Ҳофизнинг «Жайҳун шамоллари», «Она-юртим», «Онагинам» каби қўшиқларининг оҳанглари мени хаёлан қишлоққа, табиат қўйнига, онажоним бағрига етаклади. Қўшиққа жўр бўлиб, мен ҳам юртимни куйладим, онажонимни куйладим:

**Қайда юрсам соғинтирар**
**Она юртим шамоллари.**
**Хаёлимда саҳар-саҳар**
**Эсар Жайҳун шамоллари.**

Жайҳун шамоллари. Она-юртни мадҳ этувчи бетакрор қўшиқ. Ҳисобсиз моддий бойликларни эмас, беғубор кўнгилдаги соғинч, муҳаббатни куйловчи қалб қўшиғи. Ҳофиз Ватанини юрак-юракдан берилиб куйлайди. Юракдан чиққан бу қўшиқ миллионлаб кўнгилларни забт этади, миллионларча қалбнинг ўз қўшиғига айланади. Миллионлар эса жаннатмакон юртининг нақадар гўзал эканлигини, бу ўлка ишқида қумрилар ёниб куйлашини, ана шундай булбуллар сардори Жайҳун соҳилида вояга етган Отажондек бир ҳофиз эканлигини англаб етадилар ва биргаликда унга жўр бўладилар:

**Бизнинг бу гўзал эллардан**
**Эсар Жайҳун шамоллари.**

Ҳофиз тонгги сабо, Жайҳун шамоли куйларини кейинги — Она-юрт мадҳи ҳақидаги қўшиғига улаб юборади:

**Мадҳингни, Она-юртим,**
**куйларман такрор-такрор,**
**Ҳаволаниб, шодланиб,**
**сўйларман такрор-такрор.**

«Гулгун ҳаёт майидан сармаст» ҳофиз она диёрининг иқболини шодон куйлайди. Бетакрор чиройга эга бўлган юртини янада зийнатлаш ҳақида қайғуради:

**Хумор-хумор боқарман**
**васлингга, чиройингга,**
**Зийнат ато этмоқни**
**ўйларман такрор-такрор.**

Ушбу сатрларни айнан Отажон Худойшукуров ижросида тинглаган кишининг юртига бўлган муҳаббати яна ўн чандон ортиши, шубҳасиз. Ҳофиз қўшиқларини қайта-қайта тинглаб шунга амин бўлдим.

Отажон ҳофиз қисқа умри давомида баракали ижод қилиб, мингдан ортиқ қўшиқ ижро этди. Ҳофиз бир умр ҳақиқий санъаткор даражасини белгилайдиган мезонни мумтоз ашулалар, мақомларда, деб билгани учун ўз репертуарини Навоий, Фузулий, Огаҳий, Феруз, Лутфий, Девоний, Фақирий Партав ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар билан бойитди. Шу билан бирга ҳофиз ўз ижодини халқимизнинг ардоқли шоирлари Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Омон Матжон, Эркин Мадраҳимов, Жамол Камол ҳамда Ҳабибий ғазаллари асосида яратилган замонавий қўшиқлар билан ҳам тўлдирди. Отажон Худойшукуров халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам жуда машҳур бўлган. Ҳофизнинг ҳар бир айтган қўшиғи чинакам мусиқа санъати мухлислари хотирасида муҳрланиб қолган.

Гўзал ва беқиёс қўшиқ дунёсига хизмат қилиб ўтган инсон — Отажон Худойшукуровнинг қўшиқлари халқимиз қалбида абадий сақланиб қолажак.

■ Зокир АЛИБЕК

## АСАБЛАР ТОЛИҚҚАНДА



Швейцарияликларнинг бугунги авлоди ташқи кўринишдан хотиржамлик кайфиятини зоҳир этгани билан ичдан руҳий зўриқишда ҳаёт кечирмоқда экан. Буни яқинда ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 95 фоизи тасдиқлади, яъни ҳар тўртинчи одам руҳий зўриқиш кайфиятида яшамоқда. Руҳий зўриқишнинг асосий майдони касб билан боғлиқ иш жойларидир. Шунинг учун, бундай кайфият нафақат оилаларнинг бюджетига, балки давлат «чўнтаги»га ҳам зарар келтирмоқда. Жумладан, шифокорларга ва дори-дармонга мурожаат этувчилар кўпайиши боис, ишга чиқмаётганлар сони ортмоқда. Бу эса давлатга ҳар йили 4,2 миллиард Швейцария франки (2,4 миллиард АҚШ доллари) атрофида зарар келтирмоқда.

Умуман олганда Ғарбий Европанинг бошқа давлатларида ҳам шу важ сабаб кўрилган зарар бундан кам эмас, дея швейцарияликлар ўзларини юпатмоқдалар.

## АСТЕРОИД ТЎҚНАШСА...

Кейинги вақтда Ерга яна астероид яқинлашаётганлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Ҳақиқатан ҳам хавотирланишга асос бордек. Би-би-си ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Британия ҳукумати комиссиясининг экспертлари доктор Харри Аткинс, сэр Кристип Тикелл ва Лондон университети коллежининг профессори Дэвид Вильямс коинотдаги астероидлардан бирининг Ер сайёраси билан тўқнашишини истисно тариқасида таъкидлашмоқда. Улар маърузасининг гўё хулосаси сифатида яқинда диаметри 400 метр атрофида бўлган бир астероиднинг Ерга яқин масофадан ўтиши буни тасдиқлагандай бўлди. Олимларнинг фикрича, Ердан «атиги» 2,5 миллион километр узоқликдан ўтган бу астероид агар сайёрамиз билан тўқнашса борми, бутун Европани йўқ қилиб юбориши мумкин экан.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар 10 минг йилда айлана ҳажми 100 метр келадиган астероид сайёрамизга қулаб, 100 мегатонн қувватли портлаш содир этаркан. Ҳар 100 минг йилда эса 1 километр ҳажмдаги улкан объект Ер билан тўқнашуви натижасида Хиросимадаги атом портлашидан 10 миллион марта кучли портлашни келтириб чиқараркан.

Шунинг учун ҳам жаҳон олимлари олдида турган энг долзарб масала бундай тўқнашувга қарши чоралар ўйлаб топишдир. Бунинг учун биринчи масала чексиз коинотдаги хавфли объектларни аниқлаб белгилайдиган ва кузатадиган улкан энг замонавий обсерватория қуриш, иккинчидан, бутунжаҳон олимлари бир-бири билан бевосита ва бемалол боғлана оладиган илмий марказ ташкил этиш ҳамда Ерга хавф туғдирадиган астероид борми, комета борми, барчасини даф қилиш йўлларини қидириш лозим. Ана шундагина Еримиз ўзга кучлардан ҳоли, ўз ўқи атрофида муқим ҳаракатда бўлади. Демак, шундагина инсоният фаолияти ҳам барқарорлик касб этади.

## ШУНДАН ҲАМ ФОЙДА КЎРМОҚЧИ

*Венгрия ҳукумати фоҳишабозликка қарши курашнинг янги чорасини ўйлаб топишди. Яъни, улар даромадини ҳам солиққа тортиш масаласи.*

*— Ҳукуматнинг ишқий муносабатлардан ҳам фойда олишни кўзлаши ажабланарли ҳол эмас, деб ёзади «Мадьяр хирлап» газетаси. — Агарки ҳеч ким ичмаса, чекмаса ё машина минмаса давлат бюджети «ўтириб қолиши» аниқ, — дея таъкидлайди яна газета. — Шундай экан, Венгрия бюджети нега энди фоҳишабозликдан келадиган даромадга таянмасин?!*

*Шуниси қизиқки, фоҳишалар даромадини солиққа тортиш фоҳишалар фаолиятининг қонунийлашгани ҳисобланади. Лекин бу нарса лойиҳа ташаббускорларини кўпам хижолатга қўяётгани йўқ. Масала бошқа томонда, яъни фоҳишаларнинг солиққа тортиладиган даромадини қандай аниқлаш масаласи лойиҳачиларни ўйлантириб турибди.*

## ҲАРОРАТ ПАСАЙИБ БОРАДИ

Аргентина шимолида озон қатламининг емирилиши кучли кечмоқда. Бу ҳодисани ўрганаётган мутахассислар шундай хулосага келди. Уларнинг тадқиқотлари шундан далолат бермоқдаки, сентябрь ойи охирига келиб бу ҳудудда озон қатлами 35 фоизга сийраклашди. Мазкур кўрсаткич тобора ошиб бориши башорат қилинмоқда. Аргентинанинг бу қисмида жойлашган заводлардан чиқаётган чиқинди газ ва инсон томонидан табиатга етказилаётган зарарнинг кўлами катталиги шундай «истиқбол»га олиб келяпти. Стретосферада озон қатламининг емирилиб бориши охир-оқибатда ҳароратни пасайтириб юборади.

**БУГУНГИ ФРАНЦИЯ**



■ Владимир ПАНОВ олган сурат

## ДЎКОНГА КИРМАСА БЎЛМАС

Япониянинг бугунги аёллари орасида янги «вирус» тарқалган. У ҳам бўлса дўконларга бир бор бош суқиш, — дейди Япония университетининг социолог-руҳшуноси Тэмпей Оцубо.

Ҳақиқатан ҳам яқинда ўтказилган социологик тадқиқот натижалари буни исботлади. Экспертларнинг фикрича, бугунги япон ёшларининг 10 фоизи ашаддий «дўкончи», яъни бир кунда бир марта бирор-бир дўконга кирмаса, кўнгли жойига тушмайди, кайфияти бузилади.

— Руҳи тушмасин десангиз, уларнинг дўконга киришига имкон яратинг, — дейди олим.

Шунинг учун ҳам ҳозирги ёшларнинг уйларида кераксиз 40 фоиз буюмлар йиғилиб қолган. Улар керак-нокерак сотиб олинаверган. Шу буюмлар ақалли бирор марта бўлсин ишлатилмаган, яъни оила учун умуман ортиқча дахмаза. Бу очкўзликдан нишонами ё бойликка ҳирс қўйиш аломатими? Буни кейинги тадқиқотлар натижаси аёнлаштиради.


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали**
**Сиз азизларни 2000 йил 18 октябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги**
**АУКЦИОН САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:**

1. Бўстонлиқ тумани РУАДга қарашли «КАВЗ-651», д-р 37-28 ТШЖ, **бошланғич нархи — 46000 сўм.**
2. Бўстонлиқ тумани РУАДга қарашли «ГАЗ-53», д-р 76-44 ТШС, **бошланғич нархи — 55000 сўм.**
3. Ангрен шаҳри «Кўмир»АЖга қарашли «ЕрАЗ-762», д-р 32-93 ТШР, **бошланғич нархи — 61000 сўм.**
4. Оҳангарон тумани ЦРБга қарашли «Раф-22031», д-р 00-79 ТШР, **бошланғич нархи — 140000 сўм.**
5. Оҳангарон тумани ЦРБга қарашли «Раф-22031», д-р 70-38 ТШН, **бошланғич нархи — 125000 сўм.**
6. Ангрен шаҳри «Савдоэнергия» АЖ Нурабодга қарашли «ГАЗ-52», д-р 11АН782, **бошланғич нархи — 76000 сўм.**
7. Қибрай тумани Марказий касалхонасига қарашли «Раф-22031», д-р 89-58 ТШС, **бошланғич нархи — 138000 сўм.**
8. Тошкент вилояти ХДСга қарашли «Ваз-21063», д-р 10AL205, **бошланғич нархи — 206000 сўм.**

**1 НОЯБРЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА**

1. Қибрай туманида жойлашган «ХММК-1» корхонасига қарашли мол-мулклар, **бошланғич нархи — 11000000 сўм.**

*Шунингдек аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдода сотилиши мумкин.*

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел: 133-28-52, факс: 133-49-31.**



**ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ «ТОШВИЛЮКТРАНС» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК АВТОКОРХОНАЛАРИ КОНЦЕРНИ 122-БЎКА АКЦИЯДОРЛИК АВТОКОРХОНАСИГА ҚАРАШЛИ БЎЛГАН**

«МАЗ-5549», давлат рақами 0060 ТШР, 0010008 рақамли, «КАЗ-4540», давлат рақами 1121 ТШР, 0009999 рақамли, «ГАЗ-52», давлат рақами 2583 ТШН, 0010002 рақамли, «КАЗ-608», давлат рақами 9994 ТШМ, 0009992 рақамли, «ГАЗ-53», давлат рақами 2424 ТШМ, 0009926 рақамли, «ГАЗ-52», давлат рақами 3455 ТШМ, 0009911 рақамли, «ММЗ-4502», давлат рақами 1825 ТШМ, 0009937 рақамли, «ЗИЛ-130», давлат рақами 0283 ТШМ, 0009962 рақамли, «ГАЗ-52», давлат рақами 5461 ТШЛ, 0009915 рақамли, «МАЗ-4502», давлат рақами 3112 ТШМ, 0009935 рақамли, «УАЗ-452», давлат рақами 9542 ТШН, 0009908 рақамли, «УАЗ-452», давлат рақами 2405 ТШМ, 0009910 рақамли, «КАЗ-608», давлат рақами 5182 ТШЛ, 0009995 рақамли, «ГАЗ-5201», давлат рақами 2037 ТШМ, 0010021 рақамли шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автотранспорт воситаларига берилган лицензия карточкалари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


## «АРАЛАШ» ЎЙЛАНМА

**Азиз муштарийлар! Изоҳлари ҳавола этилган қуйидаги сўзлар шаклга «занжир» ҳолида, айримлари кесишиб жойлашади**

1. Савдо ишлари амалга ошириладиган маскан жиҳози. 2. Эртапишар, тўрлама қовун нави. 3. Спорт иншооти. 4. Ҳикматли, халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикоя. 5. Олмониядаги шаҳар, маъмурий марказ. 6. Қишлоқ, маҳаллаларнинг гавжум, маиший хизмат уйлари жойлашган маскани. 7. Ўзбекистондаги кулолчилик маҳсулотлари билан танилган туман. 8. Учи учлик қадимий совуқ қурол. 9. Юқори мартабали киши. 10. Эришилган энг юқори натижа. 11. Электрон лампа тури. 12. Ўқув машғулоти. 13. Саноат тармоқлари ривожланган Ҳиндистондаги шаҳар. 14. Шеърхонлик анжумани. 15. Фан, маданият ёки санъат соҳаси, давлат ишидаги фаолияти билан танишган шахс. 16. Молия-кредит ишларини олиб борувчи муассаса. 17. Осиё қитъаси жанубида жойлашган мамлакат пойтахти. 18. Дам олиш маскани. 19. Ҳиндистонда Бобурийлар давлати ҳукмдорларидан бири. 20. Энг азиз неъмат. 21. Барглари йирик сув гули. 22. Ўзбек халқ мақоми. 23. Мусобақанинг бориши ва натижаларини акс эттирувчи сигнал тахтаси. 24. Ўзбек адиби, тарихий қиссалар муаллифи. 25. Бозор ҳолатини ўрганиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишга оид чора-тадбирлар мажмуи. 26. Бадиий тўқимачилик буюми ҳунарманди. 27. Аҳолидан қарз олиш тарзида давлат бюджетига маблағ тўплаш шакли. 28. Шеърнинг киши исми, сана яширинадиган тури. 29. Марказий Осиёдаги республика пойтахти. 30. Расмий шартнома, битим. 31. Миллий ипак газлама.

■ Фозилжон ОРИПОВ тузди.

**«САЛОМАТЛИК» ЎЙЛАНМАСИ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** 5. Какао. 6. Чечак. 15. Лимон. 16. Мумиё.

**БЎЙИГА:** 1. Назла. 4. Сафро. 11. Оқсил. 12. Анжир.

**ЁЙЛАР БЎЙИЧА:** 3. Зотилжам. 3. Аччиқ тош. 7. Ироқи. 8. Лимфа. 9. Қорин. 10. Қораканд. 13. Қайнатма. 14. Қаҳва.

**МУАММОНОМА:** очқич сўзлар: 1. Оқ тош. 2. Жигар. 3. Бўғим. 4. Беҳи. 5. Юрак. 6. Дўлана. 7. Сут.

**ҲИКМАТ:**

Иштаҳа келмасдан еса ҳар кимса,
Ранж ила меҳнатга бўлур мубтало.
Ундан ҳам оғири — қўлда оғир юк,
Кўлгамас юракка бўлади бало!



